

ИНГЛИЗ ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛЛАРИДАГИ КОМПАРАТИВ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ВАРИАТИВЛИГИ

Сапаров Саламат Пердебаевич
Нукус ДПИ Чет тиллари факультети
“Инглиз тили ва адабиёти” кафедрасы ўқитувчиси
Узбекистон, Нукус

Аннотация: Ушбу мақолада инглиз ва қорақалпоқ тиллари компаратив фразеологик бирликларнинг вариативлиги қиёсий таҳлил қилинган. Инглиз тили фразеологиясида вариативлик ва синонимия масаласи етарли даражада ишлаб чиқилган, шунинг учун биз адъектив компаратив фразеологик бирликлар вариантларини ва уларнинг фразеологик синонимлардан фарқланишини аниқлаш мақсадида қисқача шарҳлашга қарор қилдик.

Калим сўзлар: Компаратив фразеологик бирлик, фразеологик вариантлар, фразеологик синонимлар, адъектив фразеология, структур синонимлар.

Инглиз тили фразеологиясида вариативлик ва синонимия масаласи етарли даражада ишлаб чиқилган, шунинг учун биз адъектив компаратив фразеологик бирликлар вариантлари, яъни ФВ (фразеологик вариантлар)ни ва уларнинг фразеологик синонимлардан (ФС) фарқланишини аниқлаш мақсадида қисқача шарҳлашга қарор қилдик. Шу билан бирга, мазкур тадқиқотда биз А.В.Кунин томонидан таклиф этилган фразеологик бирликлар вариантлари таърифидан фойдаландик:

«Фразеологик вариантлар – лексик таркиби, сўз шакллари ёки сўзлар тартибида фарқланашига қарамай, умумий лексик инвариантга эга, маъно сифати ва миқдори, услубий ва синтактик вазифалари, бошқа сўзлар билан бирика олиши жиҳатидан ўзаро тенг фразеологик бирликлар шакллари» [3;146]. Қорақалпоқ лингвистикасида “бой оригинал фразеологик фонд қорақалпоқ тилининг деярли ўрганилмаган соҳаси ҳисобланади”. [4;72]. Ушбу масала бўйича А.В.Кунин қарашларини қўллаб-қувватланиш мумкин, халқаро миқёсда жуда кўплаб нуфузли тилшунослар унинг илмий хуросаларига асосланилади. [5;4., 6;59., 7;41].

Одатда, биринчи компонент вариацияга учраб, алмашади, чунки инглиз тилида сифатларга кенг синонимия хос бўлиб, фақат матнда синонимлар билан ифодаланадиган сифат бўёклари кўпинча рўёбга чиқмай қолади, шунинг учун бутун фразеологик бирликлар маъноси ўзгаришсиз қолади: *(as) swift/ quick as thought* - қыялдай жуйрик, ушқыр қыял яңлы. Инглиз ва қорақалпоқ тилларида (асосий) компонентлар ўзгариши адъектив компаратив фразеологик бирликларда янги маъно шаклланишига олиб келмайди: *as clear as day (noonday, daylight)* - суттей жарық,

нахтадай ақ, ақ қағаздай таза; *as bold as a lion* - арысландай айбатлы, дәүдег ғайратлы, құмырсқадай күшли.

Инглиз тилида, А.В. Терентьев тақидашича, адъектив компаратив фразеологик бирликлар варианлари қуйидаги турларга бўлинади:

1) лексик: *as easy/simple as ABC*, *as still as a grave (as death)*, *(as) easy as kiss my/your hand*;

2) грамматик: *as free as the air*, *as innocent as the babe unborn*, *(as) different as chalk from cheese*, *(to be) as good (better) as than one's word*;

3) позицион бир тузилиши: *(a wink) is as good as a nod* - *(a nod) is as good as a wink*, *it's as long as it's broad* - *it's as broad as it's long*. (И.М. Сидякова уларни грамматик вариантга киритади) [И.М. Сидякова. 167; 128];

4) квантитатив, элементларнинг қисқариши / қўшилиши:

(as) slick as (bear's) grease, *(as) red as a (boiled) lobster*, *(as) neat as a (new) pin*;

5) орфографик: *(as) savage as a meat ax(e)*, (ўта ғазабнок, жаҳли чиққан), *(as) dead as a doornail (door-nail, door nail)*;

6) аралаш, грамматик-квантитатив варианлар: *(as) clear as (that) two and two make four*; лексик-квантитатив: *(as) bright as a (new) penny (dollar, dime)*.

Қорақалпоқ тилида морфологик элементлар устунлиги сабаб юқоридаги бўлинишда грамматик шаклларни ифодаловчи 1-2 типдаги варианлар битта вариантга, яъни лексик-грамматик вариантга бирлашади.

Шу тариқа, мос келувчи эквивалент варианлар бўйича ҳам адъектив компаратив фразеологик бирликлар қуйидаги типларга бўлиниши мумкин:

1) лексик-грамматик: *тасқа тамға басқандай* – **(as) easy/simple as ABC**, бу ерда «тасқа» қисми «тас» ўзакдан, шунингдек, – қа келишик қўшимчали морфологик белгидан ташкил топган. Худди шундай тузилишни оддий адъектив фразеологик бирликларда ҳам кузатиш мумкин қой аўзынан *шөп алмас/ алмайтуғын* – **(as) innocent as a (the) babe unborn**; *төрт уйықласақ түсимиизге енбеген* – **like a bolt from the blue**; *таяқ таслам жерде, мурнының астындағы* – **under the very nose of somebody**; *мурны аспанда* – **with one's nose in the air** айрим компонентларда адъектив фразеологик бирликлар «-да; -нан; -те» каби келишик қўшимчалари, «-ы; -имиз» эгалик қўшимчалари каби грамматик воситалар билан боғлиқ бўлиб, улар, ўз навбатида, инглиз тилидаги эквивалентларда морфологик маркерланган шаклларда учрамайди (улар «from, under, of, with, in» кўмакчилари билан ифодаланиши мумкин).

2) позицион бир тузилишли: *ашишы-душишыны көрген, обал-саўапты билетүгүн, ақты қараны таныйтуғын, жаман айтпай-жасы жоқ – a blessing in disguise, ақты қараға, қараны ақча алмастыратуғын.*

3) элементлари қисқарған ёки қўшилған квантитатив: *устине муздай сүй қуйғандай – put a wet blanket on.*

4) аралаш грамматик-квантитатив: *соқырға таяқ услатқандай – as clear as (that) two and two make four; "T" десең таяғын, "A" десең аяғын көтеретуғын – as blind as a bat.*

5) қорақалпоқ тилида адъектив фразеологик бирликларнинг орфографик вариантлари камдан-кам учрайди: *дуз дәмлес/дуз тәмекилес, нәкен саяқ гезлесетуғын/ нәкен саяқ уишрасатуғын.*

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, қорақалпоқ тилида вариативликнинг барча шаклларига адъектив фразеологик бирликлар ва адъектив компаратив фразеологик бирликлар компонентларини боғловчи грамматик воситалари киради, улар доим морфологик жиҳатдан маркерланган шаклларда намоён бўлади.

Фразеологик бирликларлар ўртасида фарқ юзага келиб фразеологик вариантларнинг ажралиши маъно бўёқдорликлари ва бошқа сўзлар билан бирика олишига кўра фарқланадиган, лексик таркиби қисман ёки тўлиқ мос келмайдиган структур фразеологик синонимлари ҳосил бўлишига олиб келади. [3; 108-148]

Структур синонимлар (СС) фразеологик синонимлар таркибига киради ва унинг фактат бир қисмини намоён этади: структур синонимлар **as red as a beet, as red as blood** – қан қызыл, қуяштай қызыл, алмадай қызыл; **as clear as a day, as plain as a day/daylight, as clear as cristal** – тасқа басқандай анық, *соқырға таяқ услатқандай, аттай анық, аттың қасқасындай, бес саўсақтай белгили(анық); as happy as a prince/princess* – әкеси тирилип келгендей (шад); **as happy as a king** – басына баҳт кусы қонгандай (мәс); **as happy as Larry** – жерден жети қоян тапқандай қуўанышлы / қуўанышы қойнына сыймайды.

Қорақалпоқ тилида қуўанышы қойнына сыймайды, тәриплеўге сөз жетпейди, дәръя тасса тобығынан келмейди типидаги адъектив фразеологик бирликлар мураккаб от-кесим сифатида қўлланади.

Баъзида **as green as cucumber, as green as grass** типидаги инглизча адъектив компаратив фразеологик бирликларнинг эквиваленти турли структур тузилишга эга адъектив фразеологик бирликлар шаклида намоён бўлиши мумкин: **as green as cucumber, as green as grass (goose-berry)** –

аўзынан сарысы кетпеген, аўзынан ана сутиниң дәми кетпеген; **as silent as grave, as still as grave** – не билгени ишинде, журт мың сөйлесе бир сөйлемейтуғын.

Юқорида келтирилган қорақалпоқча эквивалентларда компаратив элемент мавжуд бўлмаса-да (—«дай» қўшимчаси инглиз тилидаги «as...as» га мос келади), ушбу барқарор бирикмалар маъноси, мазмунига кўра инглиз тилидаги муқобилларига тўлиқ мос келади.

Қорақалпоқ тилида фразеологик синонимлар лексикологиянинг тўлиқ тадқиқ қилинмаган қисми ҳисобланади. Синонимик муносабатлар алоҳида сўзлар ўртасида ёки фразеологик бирликлар ўртасида мавжуд деб ҳисоблаш нотўғри. Қорақалпоқ тили материалларига таянган ҳолда, Ж. Ешбаев фразеологик бирликлардаги синонимик алоқаларни икки турга ажратади. [1; 31].

1) алоҳида сўзлар ва фразеологик бирликлар ўртасидаги синонимик алоқа.

2) фразеологик сўзлар ўртасидаги синонимик алоқа.

1) фразеологик бирликлар алоҳида сўзлар билан синоним бўлиши мумкин, яъни улар алоҳида сўзларнинг маъно жиҳатдан мос эквиваленти бўлиши мумкин. Масалан: «*Өзи де қатардан қалып, таяғын ийт гайзагандай болып жур еди...*» («Отсталым от своих ровесников он уже давно начал *бит баклушику*») («Алпамыс» халқ достони) «*Staggering behind his contemporaries he had already begun to kick bucket*». Жолдан шығып терис қайтқан... (Бердақ). – «**One of the world's worst**» (*who that put himself out of the way*), (ёқимсиз киши, бундан ёмони йўқ).

Юқоридаги мисолларда фразеологик бирликлар маъно жиҳатидан қўйидаги алоҳида сўзларга мос келади, яъни шу сўзлар билан синоним: *таяғын ийт гайзаган, талапсыз, бийталап* (бекорчи) – **kick bucket** – idler; *Жолдан шығып, терис қайтқан, қыңыр жалатай, нәкас* (ёқимсиз киши – зиқна) – **One of the world's worst** – niggard.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ешбаев Ж. Қарақалпақ тилинин қысқаша фразеологиялық сөзлиги - Нөкис: Қарақалпақстан, Баспасы, 1985.
2. Кунин А. В. Фразеологическая вариантность и структурная синонимия в современном английском языке// Проблемы фразеологии и задачи ее изучения в высшей и средней школе. Вологда: 1967.
3. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. М.: ВШ, 1986.

4. Наурызбаева. С.Т. Фразеологические единицы в каракалпакско-русском словаре – Ташкент: Изд. «Фан» -1972.
5. Паулоускене Э.С. Варианты фразеологических единиц в современном английском языке. Афтореф. дисс. ... канд. филол. наук. М., 1956.
6. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. 2-е изд. М., Просвещение, 1975.
7. Терентьев А.В. Адъективные компаративные фразеологические единицы как языковая универсалия: На материале англ. яз.: Дис. ... канд. филол. наук. Нижний Новгород, 1997.